

e-mail: info@uzairways.com
tel: +998 (78) 140-46-23
fax: +998 (71) 236-75-00



UZBEKISTAN
airways

www.uzairways.com

Aksiyadorlik jamiyati | Joint-Stock Company

20²⁵ у. «08» ⁰¹ № 73/29

**“Uzbekistan Airways” АЖда 2024 йил коррупцияга қарши
курашиш тизимининг йиллик
ХИСОБОТИ**

“Uzbekistan Airways” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – жамият деб юритилади)да жами штат бирликлари сони 3090 та, мавжуд ходимлар 2895 нафар (195 та штат вакант), улардан 268 нафари маъмурий-бошқарув ходимлар таркибига киради.

Тизимдаги ташкилотларда жами 3245 та штат бирликлари сони мавжуд, жумладан: “Uzbekistan Airways Technics” МЧЖ-1948 та, “Ketring” МЧЖ-595 та, “Ўқув-машғулот маркази” МЧЖ-122 та, “Uzbekistan Helicopters” МЧЖ-545 та ҳамда “Бино ва иншоотларни куриш дирекцияси” МЧЖ да-44 та.

Жамият тизимидаги барча ташкилотларда, яъни “Кетринг”, “Uzbekistan airways technics”, “Ўқув машғулот маркази”, “Uzbekistan Helicopters” ва “Бино ва иншоотларни куриш дирекцияси” МЧЖларда ташкилий тузилмаларига Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс хизмати мутахассис лавозимлари киритилган.

Жамият тизимида Коррупцияга қарши ички назорат тизимини жорий этиш бўйича ички идоравий хужжатлари амалиётга жорий этилганлик ҳолатлари ўрганилган.

Жумладан, Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс хизмати ҳақидаги Низом (Бошқарув раиси томонидан 07.09.2023 йилда 22-63-1.12-сон билан тасдиқланган, кейинги ўринларда – Ички Низом) асосида Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс хизмати ташкил этилиб, унинг асосий вазифа ва функциялари ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлари тасдиқланган.

“Uzbekistan Airways” АЖ ва унинг тузилмасига кирувчи корхоналар ходимлари томонидан коррупциявий ҳатти-харакатлар ва Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари юзасидан хизмат текширувларини ўтказиш Регламенти (Кузатув кенгашининг 22.01.2024 йилдаги 47-сонли буйруғи билан тасдиқланган);

“Uzbekistan airways” АЖнинг Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги Низом (15.11.2020 йилдаги 334-сонли АЖ буйруғига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисидаги 06.07.2022 йилдаги 421-сонли буйруғи).

Агентлик томонидан БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистонда самарали, ҳисоб берувчи ва шаффоф бошқарув институтлари орқали коррупцияга қарши курашиш” лойиҳаси доирасида ISO 37001:2016 коррупцияга қарши менежмент тизими стандартидан келиб чиқиб Бошқарув раисининг 2024 йил 1 ноябр куни 673-сонли буйруғи ишлаб чиқилган. Ташкилотда коррупцияга қарши ички назорат тизимини жорий этувчи 14 та намунавий ҳужжатлар тўплами 2024 йил декабр ойида Жамиятни Юридик бошқармасига ҳуқуқий хулоса олиш мақсадида юборилган бўлиб, жамиятнинг вазифа ва функцияларига мослаган ҳолда ишлаб чиқилиши назарда тутилган.

Жамиятда Манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш ва тартибга солиш мақсадида (*Бошқарув раисининг 2024 йил 7 октябр кундаги 618-сонли буйруғи тасдиқланган*) қабул қилинган.

Алоқа каналлари орқали қоидабузарликлар тўғрисида “Uzbekistan airways” АЖга келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Йўриқномаси Бошқарув раисининг 2020 йил 25 ноябр кундаги 380-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Шунингдек, Коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган қуйидаги 5 та алоқа каналлари мавжуд:

- 1) anticorruption@uzairways.com электрон почта манзили;
- 2) Telegram messenjeridagi @compliance_control_uzairways канали;
- 3) “Facebook” ijtimoiy tarmog'idagi <https://facebook.com/uzairways.official> расмий саҳифаси;
- 4) +998(78)140-02-00 raqamli Yagona Aloqa markazi (қўшимча рақам “6”);
- 5) +998(78) 140-45-68 рақамли ишонч телефон.

Жамият ходимларининг, шунингдек, ишга янги қабул қилинган ходимларнинг коррупцияга қарши умумий ва махсус ўқитиш курсларида ўқитилганлиги бўйича рўйхатлар тасдиқланиб, электрон платформага юкланган.

<https://e-anticor.uz/admin/uploads/documents/17043793984674.pdf>

<https://e-anticor.uz/admin/uploads/documents/17043798772704.pdf>

Шу билан бирга, ҳозирги кунда Авиакомпания ўз фаолиятига ISO 37001:2016 коррупцияга қарши менежмент стандартини жорий қилиш юзасидан комплекс тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

"Uzbekistan Airways" АЖда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услугиёти (кузатув кенгашининг 28.07.2022 йилдаги 456-сонли қарори билан тасдиқланган) қабул қилинган ва ижрога қаратилган.

Жамиятнинг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси, шунингдек, Коррупцияга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати ҳамда Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган, тасдиқланган ва e-anticor.uz платформасига юкланган.

<https://e-anticor.uz/admin/uploads/documents/1704898566992.pdf>

<https://e-anticor.uz/admin/uploads/documents/17048986809736.pdf>

2024 йил ҳисобидан ходимларни коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимлар ҳамда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул бўлган ходимлар учун коррупцияга қарши махсус ўқишлар амалга оширилган.

Жумладан:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказида жорий йилнинг 8-9 февраль кунлари Авиакompаниянинг 5 та нафар комплаенс хизмати ходимлари “Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати самарадорлигини ошириш” мавзусида ўз малакаларини оширишган;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 7.11.2023 йилдаги ПФ-200-сон Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида, жорий йилнинг апрель ва июнь ойларида Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги томонидан ташкил қилинган электрон платформада “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назоратининг асосий мақсад ва тамоиллари” мавзусидаги бўлиб ўтган онлайн семинарда Авиакompаниянинг 20 тага яқин ходимлари иштирок этган.

3. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан жорий йилнинг 29-30 май кунлари Халқаро семинари ўтказилган Авиакompанияни 2 та нафар комплаенс хизмати ходимлари катнашиб, ўз малакаларини оширишган ва натижаси бўйича халқаро сертификатига эга бўлишган;

4. “CERT academy” халқаро ўқув марказида жорий йилнинг 12-15 март кунлари Авиакompаниянинг 2 нафар комплаенс хизмати ходимлари “ISO 37001:2016 порахўрликка қарши курашиш бошқарув тизими” бўйича махсус курсда малакалари оширилган;

5. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси “Манфатлар тўқнашуви тўғрисида”ги 2024 йил 5 июндаги ПҚ-210-сонли қарорининг 7-бандида давлат органлари ва ташкилотларнинг ходимлари ўртасида манфаатлар тўқнашуви бўйича билим ва кўникмаларини синаш бўйича июль ойида Адлия

вазирлигининг (<https://test.adliya.uz/>) сайти орқали ўтказилган онлайн тест синовларида авиакомпаниянинг 21 нафар ходимлари иштирок этиб ижобий натижалар кўрсатишди.

6. Жамият ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларда коррупциявий хавф-хатарларни ва манфаатлар тўқнашувини барвақт аниқлаш ва уларга қарши самарали курашиш бўйича ҳукукий билим ва кўникмаларини такомиллаштириш мақсадида 50 нафарга яқин коррупцияга қарши ички назорат комплаенс ходимлари ва коррупцияга энг кўп мойил бўлган лавозимлардаги ходимлар республикамизнинг бир қатор нуфузли малака ошириш марказларида ўқитилди.

Жамият ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларда 2024 йил якунлари бўйича жами 1366 та ишчи ходимларнинг турли даражадаги малака тоифалари оширилди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, 2024 йил ҳисобидан барча ишга янги қабул қилинаётган ходимлар билан одоб-ахлоқ ва ички меҳнат қоидалари, манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациясини тўлдириш, шунингдек Авиакомпаниянинг коррупцияга қарши курашиш сиёсатини ўрганиш бўйича умумий ўқитишлар амалга оширилган ва ҳар бир ходим ушбу ҳужжатлар билан танишганлик юзасидан имзо чекишган.

Шу билан бирга, Авиакомпанияда ишлаб чиқилган ҳар бир янги ҳужжат Авиакомпаниянинг электрон библиотекасига жойлаштирилган ва ушбу ҳақдаги маълумот Авиакомпания ходимларининг ҳар бирининг коорпоратив электрон почтасига “ҳужжат билан танишинг” деган хабарнома шаклида юборилган.

“Uzbekistan Airways” АЖ ва унинг тузилмасига кирувчи корхоналарда контрагентларни мажбурий текширувдан ўтказиш бўйича

йўриқнома (*Бошқарув раисининг 15.12.2022 йилдаги 834-сонли буйруғи билан тасдиқланган*), шунингдек, Жамиятда давлат харидларини ўтказиш тартиби (*Бошқарув раисининг 27.07.2021 йилдаги №300 сонли буйруғи билан тасдиқланган*) қабул қилинган.

2024 йил ҳисобот даври бўйича ушбу электрон реестр юритилиши давом эттирилган ва унга кўра Жамият билан хўжалик шартномаларини имзолаган юридик шахслар (858 та пудратчи ташкилотлар) ўрганилган ва улар билан шартномалар тузилган.

Жамиятда контрагентларни текшириш жараёнлари Бошқарув раисининг 2022 йил 15 декабрдаги 834-сонли буйруғи асосида амалга оширилиб келинмоқда.

2024 йил ҳисобидан жами бўлиб 547 та контрагентлар белгиланган тартибда текширилди. Текширувлар натижасида тузилган шартномаларда манфаатлар тўқнашуви аниқланмади.

Шу билан бирга, ҳисобот даврида Жамиятнинг хориждаги ваколатхоналари томонидан жами бўлиб 162 та тўғридан-тўғри шартномалар ўрганилиб хулосалар берилди.

Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс хизмати томонидан ҳисобот даврида йўловчиларга чипталарни сотиш, шунингдек, юк ва почта хизматларни ташиш учун агентлар ўрганилиб хулосалар берилди.

Жамиятга ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома (18.10.2023 йилдаги 690-сонли Бошқарув раиснинг буйруғи билан тасдиқланган) асосида ходимларни ишга қабул қилишда Жамиятнинг расмий веб-сайти орқали эълон бериш ва очиқ танлов асосида номзодларни ишга қабул қилиш тизими мавжуд.

<https://corp.uzairways.com/ru/vacancy?page=0>

<https://www.uzairways.com/ru/aviakompaniya-uzbekistan-airways-obyavlyaet-nabor-bortprovodnikov>

Шунингдек, Иш берувчи ва ходим ўртасида тузиладиган меҳнат шартномаларига коррупцияга йўл қўймаслик бўйича мажбуриятларга оид қоидалар киритилган, шунингдек, алоҳида журналда ходимларга имзо қўйдириб, таништирилган.

Жамиятга ишга қабул қилинаётган номзодларни 2024 йилнинг ҳисобот даврида Авиакомпания очиқ танлов асосида бўш ўринларни тўлдириш юзасидан эълонлар берган, натижада 476 та фуқаролардан ариза ва тегишли ҳужжатлар келиб тушган. Ўрганиш ва текширувлар натижасида 320 нафар номзодларга ижобий хулоса берилган.

“Uzbekistan Airways” АЖ ва унинг тузилмасига кирувчи корхоналар ходимлари томонидан коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари юзасидан хизмат текширувларини ўтказиш Регламенти кузатув кенгашнинг 22.01.2024 йилдаги 47-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

2024 йилнинг ҳисобот даврида жамиятнинг 72 нафар ходимига нисбатан одоб-ахлоқ қоидалари ва ички тартиб-қоидаларни бузганлиги учун интизомий жазо чоралари қўлланилган,

Жумладан:

33 нафарига интизомий жазо тариқасида “хайфсан” берилган, 39 нафарига интизомий жазо тариқасида “жаримага” тортилган;

2 нафари билан Меҳнат кодекси 161-моддасининг 5-бандига асосан, иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномалари бекор қилинган.

2024 йил ҳисобот даврида коррупцияга қарши курашиш бўйича ишчи ва ходимларни ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ушбу иллатга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирлари ўтказилган. Хусусан, жами 5 марта семинар ва давра суҳбатлар ўтказилган ва ушбу тадбирларда 200 нафар ишчи ходимларнинг иштироки таъминланди.

Жамиятда Ўзбекистон Республикасининг «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Қонун ижросини самарали ташкил этиш, ушбу Қонун билан белгиланган талабларни амалга оширишда, шунингдек, манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга оид ҳуқуқий тартиботларнинг мазмун-

моҳиятини ташкилот ходимларига тушунтириш орқали амалга оширилиб борилмоқда.

Жумладан:

Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс хизмати томонидан ўрганишлар ва таҳлиллар натижасида Жамиятда 2 та манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланиб, 2024 йил 5 июл кунидаги 931-сонли Ўзбекистон Республикаси “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонунинг 16-модда ҳамда 23-моддаларга асосан белгиланган тартибда одоб-ахлоқ комиссия раисига билдирги орқали муурожаат қилинган.

Хавф-хатарларни баҳолашда Ўзбекистон Республикаси 2017 йил 3 январ куни ЎРҚ-419-сонли “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 май куни ПКҚ-240-сонли “Давлат бошқарув соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорга асосан Жамият тизимида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш чоралари бўйича Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарлар юқори бўлган таркибий бўлинмаларининг барча функция ва вазифаларида коррупциявий хавф-хатарлар ва уларни минималлаштириш чора-тадбирлар харитаси ишлаб чиқилган;

2022 йил 23 декабр кунидаги 854-сонли(ХДФУ) Жамиятда “санкциявий комплаенс назорати тизимини амалга киритиш тўғрисида”ги буйруғига асосан 2024 йил давомида Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс хизмати томонидан жами бўлиб 547 та юридик шахслар, 820 та жисмоний шахслар ҳамда 4 та ҳаво кемалари санкциявий комплаенс йўналиши бўйича ўрганишлар амалга оширилди. Мазкур йўналишдаги хавф-хатарларни минималлаштириш мақсадида кўшимча чора-тадбирлар амалга оширилиб борилмоқда.

Жамият тизимида Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс хизмати ходимларининг сонини инобатга олган ҳолда, ушбу соҳада кўрилаётган чора-тадбирлар етарли даражада эмас. Хусасан, 2024 йил давомида Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс хизмати штат бирликларида 2 та лавозим мавжуд бўлиб, бу эса ўз навбатида тузилма фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс хизмати фаолиятини тўлақонлик ва сифатли амалга ошириш учун камида дастлабки ҳолатида 5 та штат бирлигидан иборат лавозимларни қайта шакиллантириш масаласи бўйича юқори раҳбариятга белгиланган тартибда таклифлар берилган.

Жорий йилнинг 29 майдан 28 июн кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2024 йил 28 майдаги Р-116/24-сонли қўшма фармойишига асосан Жамиятда коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тизимининг жорий қилинганлиги ва самарали фаолият кўрсатишга доир чоралар амалга

оширилганлиги муофиқлик аудитдан ўтказилди. Ўрганишлар давомида Коррупцияга қарши курашиш агентлик томонидан соҳадаги аниқланган камчиликларни бартараф этишда кўрсатмалар берилди. Шу билан бирга ички назорат тизимининг фаолиятини ривожлантириш учун кўрсатма ва тушунтиришлар берилди.

Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс хизмати томонидан 2025 йил учун амалга ошириладиган ишлар режалари қуйидагилардан иборат:

1. ISO 37001:2016 коррупцияга қарши менежмент тизими стандартидан келиб чиқиб Бошқарув раисининг 2024 йил 1 ноябр куни 673-сонли буйруғи ишлаб чиқилган. Авиакомпанияда коррупцияга қарши ички назорат тизимини жорий этувчи 14 та намунавий ҳужжатлар тўпламини 2025 йил феврал ойиига қадар тасдиқлаб, сертификатга эга бўлиш ишларини олиб бориш назарда тутилган.

2. "Uzbekistan Airways" АЖда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услугиёти (2024 йил 05 июн ПҚ 210-сонли қарори билан тасдиқланган)ни Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услугиёти қоидаларига мослаштириш;

3. Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс хизмати ҳақидаги Низом (Кузатув кенгаши томонидан 23.12.2022 йилда 22-25-1.12-сон билан тасдиқланган), Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс хизмати бошлиғининг лавозим йўриқномаси (Бошқарув раисининг Авиация хавфсизлиги бўйича ўринбосари томонидан 07.09.2023 йилдаги 22-252-1.13-сон билан тасдиқланган) ва Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс хизмати мутахассисининг лавозим йўриқномаси (Бошқарув раисининг Авиация хавфсизлиги бўйича ўринбосари томонидан 01.02.2024 йилдаги 7.3-1-1.13-сон билан тасдиқланган)ни қайта кўриб чиқиш;

4. Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс хизмати ҳамда унинг ходимларига Намунавий низом (08.09.2021 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3319) талабларига зид равишда юклатилган монополияга қарши комплаенс ва санкциявий комплаенс вазифа ва функцияларини ушбу хизмат мажбуриятларидан чиқариб, бошқа таркибий тузилма (ёки лавозим) ташкил этган ҳолда ушбу таркибий тузилма (ёки лавозим)га юклаш;

5. Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс хизмати иш юкламаси, хусусан, жамиятга юклатилган вазифа ва функцияларда аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, контрагентлар ва ишга киришга номзодлар билан шартномалар тузишдан олдин ўтказиладиган текширувлар, шунингдек, давлат харидларини ўтказиш частотаси ва бошқа хусусиятлардан келиб чиқиб, Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс хизмати штатлар сонини қайта кўриб чиқиш ва ташкил этилган дастлабки ҳолатидаги камида 5 нафар штат бирлигидан иборат таркибда қайта шакллантириш ҳамда штат

бирликларини қисқа муддатда малакали ходимлар билан тўлик тўлдириш;

6. Ходимлар томонидан манфаатлар тўқнашувига оид декларацияларнинг тўлдирилиши ва манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг таҳлил қилиниши ҳамда манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг реестрда рўйхатга олинишини таъминлаш;


7. Ходимларни коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар ҳамда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул бўлган ходимлар учун коррупцияга қарши махсус ўқитиш дастурлари бўйича ўқитилишини тизимли йўлга қўйиш;

8. Коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган тартиб-таомиллар ва коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинган ички идоравий ҳужжатлар бажарилишини мониторинг ва назорат қилиш тизимини йўлга қўйиш, шунингдек, коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши ҳолатини доимий таҳлил қилиб бориш;

9. Коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият юритиши ва коррупцияга қарши тадбирларни амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисоботларнинг шакллантирилиши, жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Бошқарув раисига ҳамда Агентликка “e-anticor.uz” электрон платформаси орқали тегишли маълумотларнинг, шунингдек, маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларнинг даврий (ҳар чоракда ва йил якунида) тақдим этилишини таъминлаш;

10. Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, шу жумладан коррупцияга қарши ички назорат тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек, унинг ижросини назорат қилиб бориш.

**Коррупцияга қарши курашиш
ва комплаенс хизмати бошлиғи**

 **А.А.Абдувахабов**